

НЕМИС ТИЛИДАГИ СИФАТДОШ ШАКЛЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Юлдашева Н.

СамДЧТИ магистратурасининг талабаси

Аксариат тилшунослари немис тилидаги сифатдошлар тугалланганлик/тугалланмаганлик тамойилига асосланган қарама-қаршиликни билдиришни тан оладилар. Масалан, кўпинча рус олимлари сифатдош I ҳаракатни узлуксиз оқимини сифатдош II эса ҳаракатни тугалланганлигини ифодалайди деган фикрда. Бир қатор тилшунослар сифатдош II натижавий ҳолат маъносини ифодалайди, деган фикрни илгари сурадилар.

Сифатдошларнинг ўзига хос замон ва тур маънолари ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гап кетганда, турли хил қарашлар мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, Раҳманкулова фикрича, айрим олимлар сифатдошлар билан аспектual маънони (тур) темпорал маънога нисбатан етакчи деб ҳисобласа, [Раҳманкулова 2004:10] айримлари аксинча темпорал маънони етакчи деб таъкидлайди. В.Г. Адмони [Admoni 1955: 279-280] сифатдош II да темпорал маъносини кўрмайди, лекин тур-замон шакли деб билади.

Шуни таъкидлаш кераки, ҳозирги замон немис тилида сифатдош II шакли инфинитив II, перфект, плюсквамперфект, футур II, футурал перфект шаклларида мавжуд. Бу шаклларларнинг тугалланганлик тур маъноси билан бевосита боғлиқлиги шубҳасисдир.

Сифатдошларнинг аспектual маъноси биринчи навбатда шу шаклда иштрок этган феълларнинг акционал маъноси, яъни чегараланган/ чегараланманган белгилари билан бевосита боғлиқ. Иккинчи уринда, сифатдошларнинг аспект (тур) маъноси контекст таъсири орқали ифодаланади. Мазкур мақолада биз сифатдошларнинг аспект семантикасини ифодалашда феълларнинг акционал белгиларининг ролини таҳлил қиламиз.

Хорижий герман тилшуносликда Г. Паул биринчи бўлиб сифатдошларнинг тур (аспект) ва замон маъноларини аниқлашда феълларнинг семантикасини ҳисобга олган [Paul 1905: 161]. Ҳар хил феъллардан ташкил топган сифатдош II шаклни кўриб чиқиб, Г.Паул бу шакл ҳар доим ҳам олдин утмишда келган ҳаракатни ифодаласлигини, яъни имперфектив (чегараланмаган) феъллар билан ясалганда ҳаракатни бир вақтдалигини ҳам ифодалаш мумкинлигини кўрсатади. Муаллиф шундай ёзади: "Wenn Verba sowohl perfektiv als imperfektiv gebraucht werden können wie z.B. beleuchten, erfreuen, ergötzen, betrüben, beunruhigen, ärgern, berühren, bewegen, so ist für die Bedeutung der Partizipien gleichgültig, ob man es zum Perfektum oder Imperfektum zieht" [Paul 1920: 80].

Айрим олимларни фикрича, ўтимли феълларнинг сифатдош II шакли фақат тугалланиш моментини (Vollendung) эмас, балки ҳосил бўлган феъл узок давом этган ҳаракатни, доимий ҳолатни ёки туйғини билдирса, ҳаракатнинг давомийлигини ҳам ифодалай олади (қаранг: [Рахманкулова 2004]).

В.Г. Адмони сифатдош аниқловчи вазифасини бажариб, предметнинг процессуал ёки натижавий хусусиятларни билдиришини қайд этади. Сифатдош I ҳар доим предмет томонидан бажарилаётган жараённи билдиради, яъни процессуал хусусиятга эга. Демак, ҳар қандай феълнинг сифатдоши аниқловчи вазифасини бажара олади. Масалан, *die siegende Klasse, die umgebenden Umstände* ва бошқалар.

Сифатдош II билан вазият анча мураккаб. У ҳамма ҳолларда ҳам предметнинг хусусиятини ифодаламайди. Немис тилидаги сифатдош II замон эмас, балки тур категорияси бўлиб, феълнинг умумий семантик ва грамматик хусусиятига кўра ўзининг семантикаси вақўлланиши билан кескин фарқланади. Масалан, ўтимли феъллар билан сифатдош II пассив –натижавий хусусиятга эга. Масалан, *bauen* (қурмоқ) феъли билан сифатдош I (*der bauende Arbeiter* – қўрилиш қилаётган ишчи) маълум бир актив фаолиятда предметнинг мавжудлигини билдирса, худди шу феълнинг сифатдош II ўз семантикасига кўра пассив бўлиб, предметнинг иш-ҳаракат натижасида олинган ҳолатни ифодалайди: *das gebaute Haus* – қурилган уй.

Ўтимсиз феъллари билан сифатдош II ни ясалиши аниқ семантик белгиларни талаб қилади.

1) Ўтимсиз феъл чегараланган натижавий хусусиятли бўлса, масалан, *ankommen* (келмоқ), *erwachsen* (ўсмоқ), *sterben* (ўлмоқ), шунда сифатдош II шакли аниқловчи вазифасида қўлланиши мумкин: *angekommene Delegation* – етиб келган делегация,; *das erwachsene Mädchen* – вояга етган қиз, *der gestorbene Mann* – ўлик одам.

2) Чегараланмаган, курсив (чузиқ, давомийлик) маъносига эга ўтимсиз феъллар (*gehen* -юрмоқ, *leben* - яшамок)дан аниқловчи вазифасини бажарувчи сифатдош II шакли ясалмайди ва **der gegangene Mann* (кетган одам), **der gelebte Mann* (яшаган одам) шакллари немис тилида қўлланилмайди. Бундай феълларнинг сифатдошига чегараганлик, натижавий белги берадиган кўшимча кўрсаткичлари мавжуд бўлса, шундагина улар атрибутив функциясини бажариши мумкин, масалан, *der in die Fabrik gegangene Mann* (заводга борган одам), Аммо бундай ҳолларда ҳам бу типдаги сифатдош II кам қўлланилади. [Admoni 1955, 279-281].

Шундай қилиб, аниқловчи функциясидаги сифатдош IIнинг ҳосил бўлиши фақат ўтимсиз чегараланган феъллардан мумкин. Чегараланмаган феъллардан сифатдош II атрибутив вазифасида ишлатилмайди. Масалан:

das eingeschlafene Kind – (причастие второе от предельного глагола)

*das geschlafene Kind – (чегараланмаган феълдан)

Das aufgewachte Kind – (чегараланган феълдан)

Die erblühte Rose – (чегараланган феълдан)

*die geblühte Rose – (чегараланмаган феълдан)

Die verblühte Rose – (чегараланган феълдан)

Das angebrannte Haus – (чегараланган феълдан)

*das gebrannte Haus das angebrannte Haus – (чегараланмаган феълдан)

*die gestiegenen Touristen – (чегараланмаган феълдан).

Замонавий немис тилида сифатдош II аналитик контрукцияларда haben ёки sein ёрдамчи феъллари билан доимий компонент сифатида қатнашади. Ўтимсиз чегараланмаган феълларнинг перфект шакли одатда haben кўмакчи феъли билан, ўтимсиз чегараланган феълларнинг перфект шакли эса sein кўмакчи феъли билан ясалади. Масалан:

Er ist eingeschlafen - (ўтимсиз чегараланган непереходный предельный глагол)

Er hat geschlafen - (ўтимсиз чегараланмаган феъл);

Er ist aufgewacht - (ўтимсиз чегараланган непереходный феъл);

Die Rose ist erblüht - (ўтимсиз чегараланган феъл);

Die Rose hat geblüht - (ўтимсиз чегараланмаган феъл);

Die Rose ist verblüht - (ўтимсиз чегараланган феъл);

Das Haus ist angebrannt - (ўтимсиз чегараланган феъл);

Das Haus hat gebrannt - (ўтимсиз чегараланмаган феъл);

Das Haus ist abgebrannt - (ўтимсиз чегараланган феъл);

Er hat lange gelebt - (ўтимсиз чегараланмаган феъл);

Er ist plötzlich gestorben – (ўтимсиз чегараланган феъл).

Бу фарқ ҳам haben, ҳам sein билан перфект шаклини ҳосил қила оладиган феъллардан фойдаланганда ҳам кўзатилади. Масалан:

Er hat zwei Stunden geschwommen (= durativ- давомийлик)

Er ist an das andere Ufer geschwommen (= perfektiv - тугаллаганлик)

Das Wasser hat getropft (= durativ -давомийлик)

Das Wasser ist auf das Fensterbrett getropft (= perfektiv - тугаллаганлик)

Кўрсатилган фарқ фақат ўтимсиз феълларга хос бўлиб, haben ёрдамчи феъли билан перфектни ҳосил қилувчи ўтимли ва рефлексив феълларга хос эмас.

Пассив ҳолатнинг (Zustandspassiv) шаклланиши фақат ўтимли чегараланган феъллардан мумкин. Мисоллар:

Die Arbeit ist vollendet.

Die Tür ist geöffnet.

Die Kartoffeläcker sind vernichtet.

Футур 2 ва унинг синоними футурал перфект шаклида одатда чегараланган феъллар қўлланилади. Масалан:

Das Kind stößt einen Laut aus, befriedigt, glücklich, gleich wird es eingeschlafen sein (H. Fallada); - Бола овоз чиқаради, қониқарли, бахтли, еуз оради ухлаб қолади;

Vielleicht wird es lange dauern, aber eines Tages werden wir es überwunden haben (W. Jens. Der Blinde); - Балки қўп вақт давом этар, лекин бир кун келиб уни енгиб ўтамиз;

Wage, und du hast gewonnen! - Жасорат қилинг ва сиз ғалаба қозонасиз!;

Morgen um diese Zeit ist er wieder abgereist - Ertaga shu vaqtda u yana ketgan бўлади.

Адабиёт

Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М., 1955.

Рахманкулова И.-Э.С. К вопросу о теории аспектуальности. – Вопросы языкознания, 2004, № 1. - С. 3-28.

Paul H. Die Umschreibung des Perfektums in Deutschen mit *haben* und *sein* // Abhandlungen der 1- Classe der Bayrischen Akademie der Wissenschaft. Bd. XXII. I. Abt. München, 1905.

Paul H. Deutsche Grammatik. Bd. IV. Halle/Saale, 1920.